

«Ўзбекистонда Таиланд қироллик либослари»

*Гафурова Камола Мирсалиевна*

*Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи  
давлат музейи Музей буюмлари ва фонд тўпламларини  
қайд этиш ва рўйхатга олиш бўлими мудири*

Халқ турмушининг бошқа соҳалари сингари миллий либосларни ўрганиш ҳар бир халқнинг этник тарихи ва маданиятини, унинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқаларини татбиқ этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Либослар моддий ва маънавий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини ақс эттирувчи ва этник белгиларини кўрсатувчи мезон ҳам ҳисобланади. Шу маънода либослар тарихини ўрганиш ер куррасида мана неча минг йиллардан бери яшаб келаётган халқаро бой маданий мероси, шу билан бирга уларнинг анъаналари, яшаш тарзи ҳақида ҳам бир қанча маълумотлар беради.

Либослар нафақат инсонларнинг табиий ва эстетик эҳтиёжларини қондиради, шу билан бирга уларда ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, ижтимоий муносабатлари, нафосат ва эстетик нормалари ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг 2023 йил 17 октябрдаги 181-П-сонли буйруғига асосан 2023 йил Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида ўтказилган “Таиланд миллий либослари” кўргазмаси учун Таиланд Ипаги Элчиси Танялук Промма томонидан 8 дона “Таиланд қироллик либослар” тўплами музейга беғараз совға тариқасида топширилди. Ушбу либослар тўплами Таиланд урф одатлари ва анъаналарини тарғиб қилиш ҳамда музей заҳираҳонасини бойитиш мақсадида музей фондига қабул қилинди.

Шунга кўра Таиланд қироличаси коллекциясига оид ноёб либослар намуналари иштирокида Республика бўйлаб “Аёллар ипак либослари: тарих ва замонавийлик” номли кўчма кўргазмалар ташкил этилди. Ушбу кўчма

кўргазмалар Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи, “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ва “Бухоро” давлат музей-қўриқхоналарида ўтказилди.



Кўргазмадан жой олган “8 турдаги Таиланд қироллик либослари” келиб чиқиш тарихига тўхталадиган бўлсак: Қирол Пхумибол Адулядет хамроҳлигида қиролича Сириkit Америка ва Европанинг 15 та давлатига ташриф буюришади ҳамда қироллик кундалик ҳаётида анъанавий Таиланд либослари Ғарб маданияти таъсирига тушиб, ўзгариб кетишидан хавотирга тушишади. 1960 йилда Қиролича Қироллик кундалик ҳаётида анъанавий Таиланд либослари Ғарб маданий таъсирига сингиб кетганини ва деярли бутунлай Ғарбга айланганини пайқади.

Қиролича олиялари бутун дунёда машҳур бўлган баъзи мамлакатларнинг либослари, масалан, ҳинд сариси ёки япон кимоноси каби миллий либослар йўқлигини тушунди. Унинг учун костюм аниқ нақшга эга бўлиши ва энг муҳими, халқаро ҳамжамиятга Таиланд ўзига хослигини ифодалашини ҳамда фақат Таиланд матоларидан фойдаланишини шарт эди. Шунга кўра Қиролича аниқ Таиланд ўзига хослигини акс эттирувчи

аксессуарлардан фойдаланиб, қадимги аёллар кийимидан андоза олиб “Таиланд қироллик либос” ларини яратди.

Қирол ва қиролича Европа ва Америкага расмий ташрифларидан сўнг Таиланд ўзига хослигини ифодаловчи Таиланд дизайнидаги кийим услубини ишлаб чиқишга қарор қилди. Қиролича қироллик оиласига амалдаги, мослашувчан ва замонавий ҳаётга мос келадиган Таиланд аёллар кийимларини ўрганиш ва тадқиқ этиш вазифаси топширилди, натижада 2020 йил Таиланд қироллик либослари яратилди ва қуйидаги номлари берилди: *Чут Тай Сивалай, Чут Тай Чаккрафат, Чут Тай Чаккри, Чут Тай Дусит, Чут Тай Боромпхим, Чут Тай Амарин, Чут Тай Читралада, Чут Тай Руан Тон.*



**ЧУТ ТАЙ СИВАЛАЙ** либоси- Катта Саройда жойлашган Сивалаи боғи номига аталган расмий либос бўлиб, Қироллик маросимлари, расмий кундузги ёки кечки тадбирларда кийилган. Тик ёқали, енги узун кўйлакнинг тепа қисми белигача кўк (электра) матодан ва белидан пастки қисми тўпикқача қизил ипак матодан тикилган. Ўнг томон белидан чап елкага қараб оқ ипак матосидан Таиланд миллий либосларининг анъанавий елка матоси тикилган. Кўйлакнинг олд қисми белидан пастки қисмида уч қаватли вертикал бурма лента мавжуд бўлиб, унинг устидан лента безак сифатида фойдаланилган. Либосга янада кўрк бериш мақсадида елка тақинчоғи ва камардан фойдаланилган.



**ЧУТ ТАЙ ЧАККРАФАТ** либоси- Катта Саройнинг Чакрафат Фиман зали номига аталган расмий кечки либос ҳисобланади. Бу услубдаги либос расмий қабуллар ва кечки зиёфат учун кийилган. Чап елкаси очик, тепа қисми қизил ва пастки қисми кўк (электра) ипак матосидан тикилган тўғри бичимли кўйлак. Кўйлакнинг олд қисми белидан пастки қисмида уч қаватли вертикал бурма лента мавжуд бўлиб, унинг устидан лента безак сифатида ишлатилган. Кўйлак устидан шарф кўринишида қизил ва оқ ипак матолари елкага айлантириб ташалган. Либосга янада кўрк бериш мақсадида елка тақинчоғи ва камардан фойдаланилган.



**ЧУТ ТАЙ ЧАККРИ** либоси - Катта Саройнинг Чакри Маҳа Прасат зали номига аталган, чап елкаси очик қизил ипак матосидан тикилган тўғри бичимли кўйлак. Кўйлакнинг олд қисмида белидан пастки қисмида уч қаватли вертикал бурма лента мавжуд бўлиб, унинг устидан тўрт қаторли бурма туширилган лента безак сифатида ишлатилган. Кўйлак белидан ўнг елкага қараб аъъанавий Таиланд либосларининг елкага ташлаб юриладиган матоси мавжуд. Либосга янада кўрк бериш мақсадида елка тақинчоғи ва камардан фойдаланилган.



**ЧУТ ТАЙ ДУСИТ** либоси- Катта Саройдаги Дусит Маҳа Прасат зали номига аталган расмий кечки либос ҳисобланади. Енгсиз, оқ ипак мастосидан тикилган тўғри бичимли кўйлакнинг олд қисми белидан пастки қисмига уч қаватли вертикал бурма лента мавжуд, унинг устидан уч қаторли бурма туширилган



лента безак сифатида ишлатилган. Либосга янада кўрк бериш мақсадида кўкрак тақинчоғи ва камардан фойдаланилган.



**ЧУТ ТАЙ БОРОМПХИМ** либоси- Катта Саройдаги Бором Пҳиман Менсон номига аталган бўлиб, расмий тадбир ва маросимлар учун мўлжалланган. Узун енгли, тик ёқали кўк ипак матосидан тикилган тўғри бичимли кўйлакнинг олд қисми белидан пастки қисмига уч қаватли вертикал бурма лента мавжуд, унинг устидан лента безак сифатида ишлатилган. Либосга янада кўрк бериш мақсадида бўйин, елка тақинчоғи ва камардан фойдаланилган.



**ЧУТ ТАЙ АМАРИН** либоси-Таиланд Читраладасига ўхшаш, аммо расмийроқ ҳисобланган, икки қисмдан ташкил топган кечки либос тўплами ҳисобланади. Катта Сарой комплексининг Амарин Винитчай Тахт зали номига аталган. Кўк (электра) ипак матосидан тикилган тик ёқали костюм ва юбкадан иборат тўпلام. Костюм енги узун бичимда бўлиб, олд қисмида беш дона усти кўк мато билан қопланган тугмалар қадалган. Юбкасининг узунлиги тўпиққача бўлиб, тўғри бичимга эга. Юбканинг олд қисмида битта бурмаси (запахи) мавжуд.



**ЧУТ ТАЙ ЧИТРАЛАДА** либоси- Читралада Витта номига аталган, Бангкокдаги Жаноби олийлари қароргоҳида кийиладиган кундузги расмий либос ҳисобланади. Ушбу либос оқ ипак матосидан тикилган тик ёқали костюм ва юбкадан иборат тўпلامдир. Костюм енги узун бичимда бўлиб, олд қисмида беш дона усти оқ мато билан қопланган тугмалар қадалган. Юбкасининг узунлиги

тўпикқача бўлиб, тўғри бичимга эга. Юбканинг олд қисмида битта бурмаси (запахи)мавжуд.



**ЧУТ ТАЙ РУАН ТОН** либоси-Руан Тон Бангкокдаги Дусит саройидаги бир гуруҳ “Тик уйлари” номи шарафига аталган. Ушбу либос қизил ипак матосидан тикилган костюм ва юбкадан иборат тўпламдир. Костюм енги тўртдан уч бичимда бўлиб, олд қисмида беш дона усти қизил мато билан қопланган тугмалар қадалган. Юбканинг узунлиги тўпикқача бўлиб, тўғри бичимга эга. Юбканинг олд қисмида битта бурмаси (запахи) бор.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданияти ва анъаналари мавжуд. Музейлар ва уларнинг фаолияти эса миллатлар ўртасидаги маънавий танишувни таъминлайди. Мана шундай дўстона алоқалар миллатлараро тотувликка замин яратади.

Ушбу ўтказилган биринчи халқаро ўзбек-таиланд либослар кўргазмаси ташриф буюрувчиларга, ёшларга таиланд халқининг қадимий ва миллий маданияти, урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконини беради.